

ШАРТНОМА № 3

(озик овқат маҳсулотлари ва товар моддий бойликлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳақида)

7 январь 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама ҳўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «FOR EVERYONE» MCHJ (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари А. Абдурахмонов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Тиббиёт бирлашмаси номидан раҳбари Ж Шерғозиев (келгусида «Харидор» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган маҳсулотларни белгиланган муддатларда «Харидор» га сотишни, «Харидор» маҳсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. «Сотувчи» жадвалда кўрсатилган қуйидаги маҳсулотларни «Харидор» га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Маҳсулот қиймати	ККС	Сумма
1	Гречка	кг	25	15000	375000	0	375000
2	Макарон	кг	100	6000	600000	0	600000
3	Пахта ёғи	литр	100	15000	1500000	0	1500000
4	Сметана	Кг	250	11500	2875000	0	2875000
5	Творог	Кг	500	18000	9000000	0	9000000
6	Туз	кг	50	2000	100000	0	100000
	Жами:						14 450 000

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси 14.450.000 (Ўн тўрт миллион тўрт юз эллик минг) сўмини ташкил этди.

2. ТАРАФЛАРНИ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. «Сотувчи»нинг хуқуқлари:

- Ушбу шартномани 6.1 бандида кўрсатилган муддатларда ҳисоб китоблар амалга оширилишини «Харидор» дан талаб қилишга;
- «Харидор» шартнома шартларини бузган ҳолда маҳсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, «Сотувчи» шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- «Харидор» томонидан маҳсулот учун ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- «Харидор» шартномани 6.2 бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, «Сотувчи» маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан қўрилган зарарни «Харидор» дан талаб қилишга ҳақлидир;

2.2 «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган маҳсулотни «Харидор» томонидан берилган буюртмада кўрсатилган миқдорда ваа муддатларда омордан бериш;(сотиш).
- Етказиб бериладётган маҳсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос қилишни таъминлаш;
- Маҳсулотга тўлов ёки товар транспорт хужжатларини маҳсулот қабул қилинган кун расмийлаштириб бериш;
- «Сотувчи» маҳсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;
- Агар «Сотувчи» шартномани 1.2. бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, 2022 йил 25 январгача «Харидор»га сабабларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш;
- Маҳсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, «Харидор»га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

2.3. «Харидор»нинг хуқуқлари

Маҳсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос қилишни «Сотувчи»дан талаб қилиш; «Сотувчи»дан ушбу шартномада кўрсатилган маҳсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган маҳсулот етказиб берилганда «Харидор» ўз хоҳишига кўра «Сотувчи»га маҳсулотни қайтариш;

Зарур сифатидаги маҳсулотни «Сотувчи» ўз ҳисобидан Харидорга қайта етказиш;

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган маҳсулотни қабул қилишни рад этиш.

«Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни,бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақлидир.

2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

а) Махсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегишли ҳақни олдиндан 30% миқдорида тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

2. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул еки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устуликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рұхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устуликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рұхсатномалар ва бошқа рұхсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларга мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича якуний ҳужжатлар тузилган сана «**Сотувчи**» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Якуний ҳисоб китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасасидаги штампда кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича «**Харидор**» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Олинган туркумдаги маҳсулот учун тегишли бўлган ҳақ «**Сотувчи**»нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «**Сотувчи**» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни «**Харидор**»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

4.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги маҳсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

4.5. Маҳсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «**Сотувчи**»нинг ходими «**Харидор**»да келадиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

«**Харидор**» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд маҳсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «**Сотувчи**»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камидан 5 кун олдин хабардор қилади.

4.6. «**Харидор**» маҳсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, маҳсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақланишига «**Харидор**»нинг ўзи жавоб беради.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

5.1. «**Сотувчи**» етказиб бериладиган маҳсулотни сифати ва меъёр талабларига жавоб беришни таъминлайди, маҳсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

5.2. Маҳсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

6. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Маҳсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «**Сотувчи**» «**Харидор**»ни ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг «**Харидор**» етказиб бериладиган туркум маҳсулот баҳосини 30% миқдорда олдиндан ҳақини тўлаб беради ва маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

6.3. Агар етказиб бериладиган маҳсулотга (ҳом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва ҳокозо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу маҳсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1.* Маҳсулот бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун «**Сотувчи**» «**Харидор**»га кечиктирилган ҳар бир мажбурият бажарилмаган қисмини 0.5% миқдорида пеня тўлайди, бунда умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулот суммасининг 50%дан ошмаслиги лозим.

7.2. Маҳсулот сифати ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган маҳсулот етказиб берилганлиги учун «**Сотувчи**» «**Харидор**» га ушбу маҳсулот баҳосининг 20% миқдорда жарима тўлайди.

7.3. Бут бўлмаган маҳсулот етказиб берилганлиги учун «**Сотувчи**» «**Харидор**» га етишмаётган қисмлари қийматини қўшган ҳолда, бут бўлмаган маҳсулот қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

7.4. Етказиб берилган маҳсулот танлаб олмаганлиги ёки танлаб олишни асоссиз рад этганлиги учун «**Харидор**» «**Сотувчи**» га танлаб олинмаган маҳсулот баҳосининг 5% миқдорида, тез бузиладиган маҳсулот учун эса 10% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Шартномада кўрсатилган маҳсулот учун вақтида ҳисоб-китобни амалга оширмаганлик учун «**Харидор**» «**Сотувчи**» га ўтказиб юборган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0.4% миқдорда пеня тўлайди, бунда пеня суммасини кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

8. ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зиلزла, қургўкчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ва ҳоказо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

9. НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажарилиш тартиби юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал этилади.

9.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар суд томонидан хал қилинади.

10. ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг мuddати 2022 йил 31 декабрьгача тўла ижро этилгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва ҳар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Ҳазначилик бошқармаси (бўлима) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

“FOR EVERYONE” MCHJ

Бағдод шаҳарчаси

Х/р: 2020 8000 905 427 531 001

Халқ банки Бағдод филиали

МФО: 00794 ИНН: 308783405

телефакс 73-479-10-96

Рахбар:



А.А. Рахмонов

«ХАРИДОР»

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси

Бағдод ш. Бирдамлик №12-уй

Шх/р: 100022860302097073101054001

СТИР: 200158873 Оқонх: 91511

Молия Вазирлиги Ҳазначилиги ягона

Ҳазна ҳисоб варағи МФО 00014

Х/Р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент в.ХКММ

Ҳазначилик бўлимаси СТИРи 201122919

Рахбар: в.б.



Ж.Шерғозиев

51092407

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi – Shartnoma

**2.Loyihaning nomi – “FOR-EVERYONE” MCHJdan oziq- ovqat mahsulotlarini
sotib olish to'grisida.**

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 8 yanvar
kuni taqdim etilgan.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul
qilish maqsadga muvofiq.**

Bag'dod tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov